

"ТАСДИҚЛАНГАН"
“Худудий электр тармоқлари” АЖ
Ягона акциядорининг
2019 йил 29 июлдаги 3-сонли
қарори билан

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИДА ИЧКИ НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Тошкент – 2019й.

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР Ошибка! Закладка не определена.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ
..... Ошибка! Закладка не определена.

**III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ
ТАМОЙИЛЛАРИ**..... Ошибка! Закладка не определена.

IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ
..... Ошибка! Закладка не определена.

**V. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИГА ЖАВОБГАР ОРГАНЛАР ВА
ШАХСЛАР**..... 7

VI. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАРТИБИ ВА УСУЛЛАРИ 7

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР..... Ошибка! Закладка не определена.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг (кейинги ўринларда Жамият) “Ички назорат тўғрисида”ги Низоми Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Жамиятнинг Устави ва Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон мажлиси баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом ички назорат тизимининг мақсадлари ва вазифаларини, унинг ишлаш тамойилларини, шунингдек Жамиятнинг ички назорат учун масъул органлари ва шахсларини белгилайди.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

3. Ички назорат - бу Жамият фаолиятида ўрнатилган ва жамиятнинг мақсадларига эришиш билан боғлиқ ҳолда асосли ва етарли тасдиқни олиш учун хатарларни бошқариш, назорат қилиш ва корпоратив бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги йўналишлардаги доимий жараёнлардир:

- фаолият самарадорлиги, шу жумладан операцион самарадорлик даражаси, фойда олиш ва активларни ҳимоя қилиш;
- молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги;
- жамият фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик нормаларига риоя қилиш.

4. Ички назорат тизими бу – Жамият Тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, кузатув кенгаши, ижро органи ва бошқа ходимлар томонидан ташкил этиладиган ва амалга ошириладиган ҳамда ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ташкилий тузилма, назорат чоралари, ички назорат тартиблари ва усуллари тўпламидир. Жамиятнинг ички назорат органлари аъзоларининг малакаси уларнинг фаолияти тўғрисидаги Низомларда белгиланиши мумкин.

5. Ички назорат жараёнлари бу - Жамиятнинг Тафтиш комиссияси, Кузатув кенгашининг аудит бўйича кўмитаси, Кузатув кенгаши, Ички аудит хизмати, Ижро органи, шунингдек ички назоратни амалга оширига ваколатли бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган ва молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлашга, Жамиятнинг белгиланган мақсадларга эришиш самарадорлигини баҳолашга, шунингдек ички назорат жараёнларини баҳолашга ва ички назоратни амалга оширишда ички назорат субъектларининг ўзаро таъсирига қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

6. Ички назоратнинг асосий мақсади акциядорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашдир.

7. Ички назорат қуйидагилар бўйича тезкор режимда ишлашни таъминлаш учун мўлжалланган:

- Жамият активларининг бутлиги, ресурсларидан тежамкор ва самарали фойдаланиши;

- амалдаги қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши;

- Жамиятнинг ўрта ва узок муддатли ривожланиш стратегиясини, ҳамда Бизнес-режаларини бажарилиши;

- Жамиятнинг бухгалтерия ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлари ва бошқарув маълумотларининг тўлиқлиги ва ишончилигига;

- Жамият фаолиятида юзага келадиган хатарларни аниқлаш, ва таҳлил қилиш;

- Жамият фаолиятидаги хатарларни режалаштириш ва бошқариш, шу жумладан хатарларни бошқариш бўйича ўз вақтида ва етарли даражада қарорлар қабул қилиш;

- бизнес доираларида ва истеъмолчилар ўртасида Жамиятнинг обрўсини ўрнатиш ва сақлаш;

- иш ҳақи ва товон пули тўлашда, шу жумладан Ижро органи, Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофотлар ҳажмининг етарлилиги, ошқоралиги ва объективлиги.

III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТАМОЙИЛЛАРИ

8. Жамиятда ички назорат тизими қуйидаги тамойилларга асосланади; узлуксиз ишлаш (ички назорат тизимининг доимий ва тўғри ишлаши Жамиятга меъёрлардан ҳар қандай оғишларни ўз вақтида аниқлаш ва келажакда уларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик имконини беради);

ички назорат тизимидаги барча иштирокчиларнинг ҳисобдорлиги (ҳар бир шахс томонидан назорат функцияларини бажариш сифати ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилинади);

вазифаларни тақсимлаш (Жамият назорат функцияларининг тақдорланишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилади ва ушбу функциялар ходимлар ўртасида шундай тақсимланиши керакки, айнан бир шахс ўзида муайян активлар билан операцияларни тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, активларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ва уларни инвентаризация қилиш билан боғлиқ функцияларни бирлаштирмаслиги лозим);

битимларни келишиш ва тўғри тасдиқлаш (Жамият ваколатли шахслар томонидан ўз ваколатлари доирасида барча молиявий ва хўжалик операцияларини тасдиқлаш тартибини белгилашга интилади);

қундалик ички назоратни амалга оширадиган жамият бўлинмасининг Жамият тузилмасида алоҳида бўлинишини ва унинг бевосита Кузатув кенгаши олдида функционал жавобгарлигини таъминлаш;

жамиятда ишлайдиган барча ички назорат субъекларнинг назорат функцияларини тўғри бажариш бўйича жавобгарлиги;

доимий ривожланиш ва такомиллаштириш (Жамият ички назорат тизимини мослашувчан равишда созлаш учун шароит яратиб беришга интилади, шунда у янги муаммоларни ҳал қилиш, тизимни кенгайтириш ва такомиллаштириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда мослаштиришга интилади);

оғишлар тўғрисида ўз вақтида хабар бериш (Жамиятда оғишларни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли шахсларга тегишли маълумотларни узатиш учун энг қисқа вақт белгилаб қўйилади);

назорат ўрнатилган Жамият фаолиятининг йўналишлари устуворлигини аниқлаш (ички назорат тизими қамраб оладиган хстратегик йўналишлар белгилаб олинади).

IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ (КОМПОНЕНТЛАРИ)

9. Ички назорат тизими қуйидаги ўзаро таркибий қисмларни ўз ичига олади:

Жамият ходимларининг ахлоқий қадриятлари ва ваколатлари, бошқарув сиёсати, раҳбарият томонидан ваколат ва жавобгарликни тақсимлаш усули, ташкилот тузилиши ва ходимларнинг ривожланиши, шунингдек кузатув кенгаши томонидан бошқарувни амалга оширишни ўз ичига олган назорат мухити;

Турли даражада бир-бирига боғланган ва ички даражада изчил бўлган вазифаларни бажаришда тегишли хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат бўлган хатарларни баҳолаш;

роизилик бериш, санкциялар қўллаш, тасдиқномалар бериш, текширувлар ўтказиш, жорий фаолиятни назорат қилиш, активлар бутлигини (хавфсизлигини) таъминлаш ва ваколатларни тақсимлаш каби турли хил ҳаракатларни ўз ичига олган бошқарув қарорлари бажарилишини таъминлашга ёрдам берадиган ва турли хил тадбирларни ўз ичига олган сиёсат ва процедураларни сарҳисоб қиладиган назорат қилиш бўйича фаолият;

маълумотларни ўз вақтида ва самарали идентификациялашга йўналтирилган ахборотни қўллаб қувватлаш ва ахборот алмашиш фаолияти, уларнинг рўйхатга олиниши ва алмашинуви, шу жумладан, бошқа ички назорат субъектлари томонидан Жамиятда қабул қилинган ички назорат сиёсати ва процедуралари тўғрисида тушунчаларни шакллантириш мақсадида ахборот алмашиш учун самарали каналларни яратиш.

Мониторинг юритиш - бу бошқарув ва назорат функцияларини ўз ичига олган жараён бўлиб, унинг давмида тизимнинг сифати вақт ўтиши билан баҳоланади. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботларнинг ишончилигига таъсир қиладиган хатолар эҳтимолини аниқлаш, ушбу хатоларнинг муҳимлигини аниқлаш ва ички назорат

тизимининг белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш қобилиятини аниқлаш учун амалга оширилади. Акциядорлар умумий йиғилигининг қарори билан Жамиятда ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун Кузатув кенгашининг таклифи асосида мустақил профессионал ташкилот маслаҳатчи сифатида жалб қилиниши мумкин.

V. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИГА ЖАВОБГАР ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР

10. Ички назоратни Тафтиш комиссияси, Жамият Кузатув кенгаши, Ижро органи раҳбари, ички аудит хизмати, шунингдек Жамиятнинг барча даражадаги бошқа ходимлари амалга оширадilar. Бунда уларнинг ҳар бири белгиланган тартибда ички назорат учун жавобгардир.

11. Жамиятда фаолият кўрсатаётган бўлинмаларининг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, уларга тўланаётган ҳақ, мукофот ва компенсацияларни ҳисоблаш тартиби Жамиятнинг ички ҳужжатларда белгиланади. Ушбу ҳужжатлар, шунингдек ички назорат масалаларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган бошқа ҳужжатлар ушбу Низомга зид бўлиши мумкин эмас.

12. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти устидан назоратни тизимли ташкил этилишини таъминлаш мақсадида ички назорат процедуралари (тартиб тамойиллари) Жамиятнинг ваколатли бўлинмаси - ички аудиторлик хизмати томонидан амалга оширилади ва бундай хизмат бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг ички назорат учун масъул бўлган Тафтиш комиссияси томонидан жамиятнинг бошқа аъзолари ва бўлимлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

13. Кузатув кенгаши функцияларига қуйидагилар киради:

Ички назорат тизимининг ривожлантириш стратегияларини ва айрим операцияларни маъқуллуаш йўналишларини белгилаш;

жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида Жамият ижро этувчи органи раҳбарининг мунтазам ҳисоботларидан, ички ва ташқи аудитлар ҳисоботларидан, тафтиш комиссияси ҳисоботларидан ва бошқа манбалардан олинган маълумотлар асосида ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш натижалари тўғрисида маълумот киритиш;

ички назорат учун масъул бўлган жамият бўлинмаси ва унинг таркибини белгилаш;

ички назорат жараёнлари ва тартибларини доимий такомиллаштириш.

14. Жамиятда молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги, ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлиги устидан назоратни ташкил этишга устидан назоратни ташкил этишга Кузатув кенгаши масъулдир.

15. Ички назорат тизимининг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Жамиятнинг ички назорати соҳасидаги сиёсатига мувофиқ ҳолда ишлаши учун жавобгарлик Жамиятнинг ижро этувчи органи

рахбарига юклатилади. Жамиятнинг ижро органи раҳбари ички назорат тизимини жорий этилишини ва самарали ишлашини таъминлаган ҳолда, ички назорат тизимидаги жиддий камчиликлар ва хатарлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режалари ва натижалари тўғрисида Кузатув кенгашига ўз вақтида ахборот киритади.

16. Назоратни амалга ошириш стратегияси ва тартибларини батафсил ишлаб чиқишда ҳар қандай даражадаги бўлинмаларнинг ходимлари ўз ваколатлари доирасида бевосита иштирок этадилар. Ғайриоддий вазиятлар ва муаммолар юзага келганда уларни ҳал қилиш ушбу ходимларнинг вазифасидир. Ҳодимлар маълум бир битимдан келиб чиқадиган муҳим муаммолар ёки хатарлар тўғрисида Жамиятнинг юқори раҳбариятига ахборот берадилар.

17. Жамият ва унинг алоҳида бўлинмаларининг молия-ҳўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик доимий равишдаги ички назорат органи - Тафтиш комиссиясига юклатилади.

18. Ички назорат процедураларининг бажарилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик, яъни Жамият томонидан амалга оширилган молиявий ва ҳўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва умуман Жамият Уставига мувофиқлиги, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларининг тўлиқлиги ва ишончлилиги, ички аудит ҳизмати зиммасига юклатилади.

Ички аудит ҳизмати тўғрисидаги низом Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

19. Жамиятнинг ички аудит ҳизмати Кузатув кенгашига ички аудит ва ички назорат тизими натижалари тўғрисида ҳисобот беради. Жамиятнинг ички аудит ҳизмати Кузатув кенгашига бўйсунди.

20. Қуйидаги шахслар Жамиятнинг ички аудит ҳизматида лавозимларни эгаллаш ҳуқуқига эга эмаслар:

- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни ёки тартиб жиноятларини содир этганлиги учун судланганлиги тугалланмаган шахслар;

- жамиятнинг ижро органи раҳбари ёки аъзолари бўлган шахслар;

- жамиятнинг рақиби бўлган бошқа юридик шахснинг таъсисчилар (акциядорлар, иштирокчилар), ижро этувчи ҳокимият раҳбари ёки аъзолари ёки ишчилари бўлган шахслар;

Ички аудит ҳизмати аъзоларига бўлган бошқа талаблар Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланиши мумкин.

21. Ички назорат тизимининг тўғри ишлаши ходимларнинг касбий маҳоратига ҳам боғлиқ. Жамият ходимларни танлаш, ишга ёллаш, ўқитиш, ўқитиш ва уларнинг юқори малакасини ҳамда юқори ахлоқий меёрларга мувофиқлигини таъминлашга интилади.

VI. ПРОЦЕДУРЫ И МЕТОДЫ ВНУТРЕННЕГО КОНТРОЛЯ

22. Процедуры внутреннего контроля Общества включают:

определение взаимосвязанных и непротиворечивых целей и задач на различных уровнях управления Обществом;

выявление и анализ потенциальных и существующих оперативных, финансовых, стратегических и других рисков, которые могут помешать достижению целей деятельности Общества;

оценка существенных компонентов внутреннего контроля;

оценка эффективности системы внутреннего контроля бизнес-процессов;

определение критериев и оценки эффективности работы структурных подразделений, должностных лиц и иных сотрудников Общества;

рассмотрение финансовой и другой информации в сравнении с сопоставимой информацией за предыдущие периоды или с ожидаемыми результатами деятельности;

использование адекватных способов учета событий, операций и транзакций;

проверку сохранности активов;

надлежащее документирование процедур внутреннего контроля;

регулярные оценки качества системы внутреннего контроля;

доведение до всех сотрудников Общества их обязанностей в сфере внутреннего контроля;

распределение ключевых обязанностей между сотрудниками Общества (в том числе обязанностей по одобрению и утверждению операций, учету операций, выдаче, хранению и получению ресурсов, анализу и проверке операций);

утверждение и осуществление операций только теми лицами, которые наделены соответствующими полномочиями;

иные процедуры необходимые для достижения целей внутреннего контроля.

23. При проведении процедур внутреннего контроля применяются методы инспектирования, наблюдения, подтверждения, пересчета, а также иные методы, необходимые для осуществления процедур внутреннего контроля.

VI ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАРТИБИ ВА УСУЛЛАРИ

22. Жамиятнинг ички назорат тартиб-қоидаларига қуйидагилар киреди:

- жамият бошқарувининг турли даражаларида ўзаро боғлиқ ва изчил мақсад ва вазифаларни аниқлаш;

жамият мақсадларига эришишга ҳалақит берадиган потенциал ва мавжуд бўлган операцион, молиявий, стратегик ва бошқа хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

ички назоратнинг муҳим таркибий қисмларини баҳолаш;

бизнес-жараёнларнинг ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш;

жамиятнинг таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари фаолияти самарадорлигининг мезонларини белгилаш баҳолаш;

молиявий ва бошқа маълумотларни олдинги даврлар ёки операцияларнинг кутилаётган натижалари билан таққосланадиган маълумотлар билан таққослаб кўриб чиқиш;

ходисалар, операциялар ва операцияларни қайд этишнинг етарли усулларидан фойдаланиш;

активларнинг бутлигини ва сақланганлигини текшириш;

ички назорат процедураларини лозим даражада ҳужжатлаштириш;

ички назорат тизими сифатини мунтазам равишда баҳолаш;

жамиятнинг барча ходимларига ички назорат соҳасидаги вазифаларини етказиш;

Жамият ходимлари ўртасида асосий вазифаларни тақсимлаш (шу жумладан операцияларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, ресурсларни чиқариш, сақлаш ва олиш, операцияларни таҳлил қилиш ва текшириш бўйича мажбуриятлар);

факат тегишли ваколатлар берилган шахслар томонидан операцияларни тасдиқлаш ва амалга ошириш;

ички назорат мақсадларига эришиш учун зарур бўлган бошқа процедуралар.

23. Ички назорат тарптиб тамойилларини ўтказишда текшириш, кузатиш, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш усуллари, шунингдек ички назорат тартибларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа усуллардан фойдаланилади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилишининг (ёки Ягона акциядор) қарори билан тасдиқланади.

25. Ушбу Низомга қўшимчалар ва ўзгартиришлар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, Жамиятнинг ташқи аудитори, Жамият Тафтиш комиссияси, Жамият ички аудит хизмати ва Жамият ижро органи раҳбарининг таклифига биноан киритилади.

26. Агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш натижасида мазкур Низомнинг айрим моддалари уларга зид бўлса, унда Низомнинг ушбу моддалари ўз кучини йўқотади ва Низомга ўзгартиришлар киритилгунга қадар Жамият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва қоидаларига амал қилади.